

## **Инновацион технологияларда карталарни яратиш**

“Давергеодезкадастр” қўмитаси тизимидағи соҳалар учун малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида жорий йилнинг 9 февраль куни “Картография” Давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси мутахассислари томонидан ТИҚҲММИнинг “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети талабалари ва профессор-ўқитувчиларига “Инновацион технологияларда карталарни яратиш” мавзусида МУАММОЛИ МАЪРУЗА ўтказилди.

Муаммоли маърузада “Картография” Давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси мутахассиси Ж.Нишонов ва “Ёшлар масалалари” бўйича директор ўринбосари Ж.Эгамбердиев, факультет декани, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилари ва талабалар қатнашдилар.

